

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

КЎЗГУ РАМЗИ БИЛАН БОҒЛИҚ ХАЛҚ ҚАРАШЛАРИ

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич,

Наманган давлат университети доценти в.б.,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

For citation: Bakhtiyor R.Khalmuratov. Public thoughts related to the symbol of mirror.2019, vol. 1, issue 13, pp. 87-92.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-13-10>

Келиб тушган сана 5 август, 2019
Эълон қилинган сана 5 октябрь, 2019

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Фарғона водийси ўзбекларининг ойна рамзи билан боғлиқ қарашлари дунё халқларида мавжуд бўлган тасаввурларга боғланган ҳолда ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Ўрта Осиё, Фарғона водийси, ўзбеклар, маросим, шомонлик, афсунгарлик, бахши, атрибут, сўфийлик, ойна култи, ислом.

НАРОДЖНЫЕ ВЗГЛЯДЫ СВЯЗАННЫЕ ТИТУЛОМ ЗЕРКАЛО

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич,

И.о. доцент Наманганского государственного университета
Доктор о философии (PhD) по историческим наукам

АННОТАЦИЯ

В этой статье раскрыты взгляды связанные титулом зеркало узбеков Ферганской долины, касающиеся мнениям народов мира.

Ключевые слова: Средняя Азия, Ферганская долина, узбеки, об-

рядность, шаманство, магия, бакси, атрибут, суфизм, культ зеркала, ислам,

PUBLIC THOUGHTS RELATED TO THE SYMBOL OF MIRROR

Bakhtiyor R.Khalmuratov,

Dotsent of Namangan State University

doctor of philosophy (PhD) on philosophical sciences

ANNOTATION

In this article the thoughts of Uzbek people in Fergana valley about the symbol of mirror have been described depending on the imaginations in the nations of the world.

Key words: Central Asia, Fergana valley, the Uzbek, customs and traditions, shamanism, animism, bahshi (singer of epic tales), attributes, symbol of mirror, sufism, islam.

Шомонлик эътиқоди қадимда Ўрта Осиёда кенг тарқалган бўлиб, туркий халқлар тарихи ва турмуш тарзида муҳим ўрин тутган [1, Б.324–330]. Тарихий манбаларнинг шоҳидлик беришича, шомонлик анимистик эътиқодларнинг маълум босқичида пайдо бўлган. Туркий халқлар аждодлари ёрдамчи руҳлар, яъни парихонлар, отахонлар ва молар мавжудлигига, шунингдек, дев ва жинлар борлигига қаттиқ ишонганлар. Одамлар “руҳлар шомонларга хизмат қилади, улар турли топшириқларини бажаради”, шомонлар одамлар билан руҳлар ўртасида мулоқот қила олиш қудратига эга, деб тасаввур қилганлар. Шомонлар турли касалликларни даволаш ва даф этиш, йўқолган одамлар, жонивор ҳамда нарса-буюмларни топиш, келажакни олдиндан башорат қилиш, турли макон ва замонда содир бўлаётган воқеа ва жараёнлардан бохабар бўлиш, табиат ҳодисаларини ўрганиш, ўлимдан сўнг марҳумлар руҳини охиратга кузатиб бориш ва ҳатто ёвуз руҳлар билан жанг қилиш қобилиятига ҳам қодир деб ҳисобланган.

Дунёдаги барча этнослар сингари ўзбек халқи ҳам ўзига хос бўлган маросимлар тизимига эга. Ушбу маросимларнинг аксарият қисми маълум бир динга ва диний эътиқодга тегишли ҳисобланади. Барча диний тасаввурларда бўлгани каби шомонликда ўзига хос маросимлар тизими мавжуд бўлиб, уларнинг ҳеч бири маросимий воситаларсиз ўтмайди. Шомонлар ўзларининг руҳий кучларига нисбатан ишонч-эътиқодни янада ошириш, мақсадга тезроқ ва қулайроқ тарзда эти-

шиш ёхуд муайян таъсирни узоқроқ муддатда сақлаб туриш ниятида хилма-хил ташқи ёрдамчи воситалардан фойдаланадилар. Ана шундай ёрдамчи воситалардан бири кўзгудир.

Кўзгу ҳақида дунё халқларининг тасаввурлари хилма-хилдир. Масалан, қадимги Хитойда синган кўзгу бахтсизлик келтиради, деб тасаввур қилинган бўлса, ўрта асрларда Европада аза бўлган хонадонда ойналар устини ёпиб қўйиш керак бўлган [2,Б.146]. Кўзгудан кўпинча жодугарликда (хусусан, руҳлар билан мулоқот учун) фойдаланилади ва унга берилган хусусиятларга кўра, фол очиш учун қўлланадиган биллур шарга ўхшайди.

Халқ оғзаки ижодида кўзгу жоду билан қиёсланади. Европанинг шимолий қисмида яшаган викингларда ойна нариги дунё эшиги сифатида эътироф этилган бўлса, ҳиндларда эса ҳақиқат рамзи ҳисобланиб, нариги дунёнинг тимсоли вазифасини бажарган [2,Б.147]. Кўзгуга оид қарашлар ислом динида ҳам мавжуд бўлиб, сўфийликда Дунё ва Аллоҳ бир-бирини акс эттирувчи кўзгуга қиёсланган.

Кўзгунинг афсунгарлик хусусияти Осиё ва Европа халқларида ҳам қадимдан маълум бўлган. Ойнанинг маросимий аҳамияти хусусида қадимий хитой манбаларида ҳам маълумотлар келтирилган. Арабларда темирли ойнага бахтсизликка қарши турувчи куч сифатида қаралган [3,Б.101].

Дунёдаги барча этнослар сингари ўзбеклар ҳам ўзига хос бўлган маросимлар тизимига эга. Ушбу маросимларнинг аксарият қисми маълум бир динга ва диний эътиқодга тегишли ҳисобланади. Шомонликда ўзига хос маросимлар тизими мавжуд бўлиб, уларнинг ҳеч бири маросимий воситаларсиз ўтмайди. Шомонлар ўзларининг руҳий кучларига нисбатан ишонч-эътиқодни янада ошириш, мақсадга тезроқ ва қулайроқ равишда етишиш ёхуд муайян таъсирни узоқроқ муддат сақлаб туриш мақсадида хилма-хил ташқи ёрдамчи воситалардан фойдаланадилар. Фарғона водийси шомон-бахшиларининг маросим атрибутлари жумласига чилдирма, қамчи, тасбеҳ, йигирув чархи, уяли алоқа воситаси, кул, сув, пичоқ, ойна, турли хил иплар, инсон сочи, тол новдаси кабилар киради. Номлари қайд этилган анжомлар воситасида водий шомон-бахшилари беморларни даволаш ишларини олиб борадилар.

Ўзбек ва тожик бахшилари одамларни қабул қилиш ва уларни даволаш жараёнида ойнадан ҳам фойдаланганлар. Ойна қадимий маросимий буюм бўлиб, дунёнинг кўпгина халқларида муқаддас буюм сифатида қадрланиб келинган [4,Б.501; 5,Б.42–43].

Ўзбек халқининг никоҳ тўйларида келин-куёвга ойна кўрсатили-

ши уларнинг умр йўллари кўзгудай мусаффо бўлсин деган истакни англатади. Ахборотчиларнинг эътироф этишича, келин-куёв бир-бирига ойнада эгри қарамасликлари керак, акс ҳолда туғилажак фарзандларининг кўзи қийшиқ бўлиш эҳтимоли мавжуд (Дала ёзувлари. Наманган вилояти Учқўрғон тумани Кўчабоши қишлоғи. 2010 йил). Шундан сўнг келин-куёв биргаликда янгалар томонидан берилган кўзгуга (ойнага) қараганлар. Бу “ойна кўриш” удуми дейилган. Биз шунга ўхшаш удумни тожиклар, эронликлар, веда динидаги ҳиндларнинг тўй маросимларида ҳам учратиш мумкин [5,Б.43].

Никоҳ кечаси ёшларнинг биргаликда ойнага қараш удумида келин-куёв келажак ҳаётлари ойна мисоли тиниқ, ёруғ ва пок бўлиши нияти мавжуд. Биз бунда кўзгунинг рамзий хусусиятлари билан бирга афсунгарлик унсурларини ҳам кўриш мумкин. Келин-куёвнинг биргаликда ойнага қараш удуми қадимги ибтидоий одамларнинг одамлар руҳи уларнинг соясида, сув ва ойнада намоён бўлади деган қарашларидан келиб чиққан. Жумладан, Ж. Фрэзер ҳам қадимда жон соя, сув ва кўзгудаги акс тасвирда ҳам бўлиши мумкинлиги ҳақидаги тасаввурларни эътироф этган [6,Б.142].

“Ойна кўрсатув”дан кейин янгалардан бири келин-куёвнинг қўлларини бир-бирларига ушлатиб қўяди ва улар маълум вақтгача қўл ушлашган ҳолда турганлар. Бу удум рамзий равишда келин-куёв танишувини билдирган. Сўнгра янга янги оила вакиллари бошидан ёвуз руҳлардан тозалаш мақсадида қора чироқни уч марта айлантирган ва келинга янги кўйлак кийгизиб унинг олдида ёш болани ўтқизиб қўйган. Ушбу одат замирида ёшларнинг серфарзанд бўлишига қаратилган афсунгарлик ҳаракати мавжуд. Шундан сўнг янга дастлаб келинга, сўнгра куёвга қанд берган. Бу русум асосида келин-куёвнинг келгуси ҳаётлари қанд каби ширин бўлсин деган маъно ётади. Келин-куёв қандни еб бўлгач, пиёлада никоҳ сувидан олиб келинган. Улар олиб келинган сувдан бир қултумдан ичганлар. Одатга кўра, бу сув ҳеч қачон ерга тўкилмайди. Чунки сувни ерга тўкиш бахтсизлик келтиради деб ҳисобланади [7,Б.144].

Катта сувларга кечаси ёлғиз бориш, тунда ойнага қараш тақиқи, бутун жаҳондаги сингари ўзбек халқида ҳам мавжуд. Қолаверса, халқимизда кўрилган туш қандай бўлишидан қатъий назар уни сувга айтиш одати ҳам бўлган. Ана шу далилларга кўра, ойнага қараш муҳим афсунгарлик аҳамиятига эга бўлган.

Ўзбек ва тожик бахшилари шомон маросимлари жараёнида ойнадан кенг кўламда фойдаланганлар. Ойна қадимий маросимий предмет бўлиб, дунёнинг кўпгина халқларида муқаддас буюм сифатида

қадрланиб келинган [8, Б.73–74]. В. Литвинскийнинг фикрига қараганда, скиф, қадимги хитой, рус ва немис шомонлари ойнага қараб фол очган бўлсалар [9,Б.101]. В. Дяконова эса Тува шомонларида ойнанинг осмондан тушганлигини ҳақидаги фикр мавжудлигини қайд этган. Шомонлар ана шу ойнани руҳлар томонидан уларга кўрсатилган марҳамат деб билганлар [10,Б.148].

Фарғона водийсида олиб борилган дала-этнографик тадқиқотлар мобайнида ушбу ҳудуд бахши ва фолбинларининг муолажа ва шомонлик маросимларида ойнадан фойдаланиш ҳолатлари кам кузатилди. Фақатгина Фарғона вилояти Данғара тумани Сойшилдир қишлоғида яшовчи Ўктамхон бахши ўз қабулига келган одамларнинг келажagini олдиндан башорат қилиш жараёнида ойнадан фойдаланади (Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Сойшилдир қишлоғи. 2009 йил.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш лозимки, ўзбек шомонларининг маросим асбоблари ва ишлатадиган буюмлари бошқа ҳудуд шомонлари воситаларидан тубдан фарқ қилмайди. Маросим асбобларининг аксарият қисми ҳозирги кунга қадар ишлатилиб келинмоқда. Фақатгина ислом дини таъсири остида айрим буюмларнинг сиқиб чиқарилиши ва янгиларининг кириб келиши ҳолатлари кузатилмоқда. Ушбу ўзгаришлар шомонликнинг асл моҳияти йўқолиб бораётганлигини англатади. Ўз навбатида, ислом дини билан боғланиб келинаётган баъзи бир урф-одатлар шомонлик билан ўзаро уйғунлашган бўлиб, унинг илдизлари қадимий даврларга бориб тақалади. Бу эса тадқиқотчиларни янгидан-янги илмий изланишларга ундайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа. — Ташкент: Фан, 1974. — С. 324–330.
2. Мингбоева Д. Тимсоллар тилсими. — Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. — Б.146–147.
3. Литвинский В. А. Зеркало в верованиях древних ферганцев // Советская этнография. — 1964. — №3. — С.101–109.
4. Харузин В. Этнография. — М., 1908. — Вып. 1. — 675 с.
5. Лобачева Н. П. Свадебный обряд хорезмских узбеков // Краткие содержания Институт Этнографии. — М.: Наука, 1960. — С.42–43.
6. Фрезер Дж. Золотая ветвь. — М.: Наука, 1986. — С.142.
7. Аширов А. А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. — Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. — Б.144.

8. Стратонович Г. Г. Китайские бронзовые зеркала; их типы, орнаментация и использование. “Восточноазиатский этнографический сборник” // ТИЭ. – М.: Наука, 1961. – Т. LXXIII. – С.73–74.

9. Литвинский В. А. Зеркало в верованиях древних ферганцев // Советская этнография. – 1964. – №3. – С.101.

10. Дяконова В. П. Тувинские шаманы и их социальная роль в обществе // ПИОСАС. – Л.: Наука, 1981. – С.148.